Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
30 ОКТЯБРЬ 1969 й.
ПАЙШАНБА
№255 (1018).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Халқ хўжалиги ходимлари! Ишлаб чиқариш маданиятини оширингиз, меҳнатни илмий ташкил этишни ва илғор тажрибани кенг жорий қилингиз! Иш вақтининг ҳар минутидан тўлароқ фойдаланиш учун, хом ашё ва материалларни тежаш учун курашингиз!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОКТЯБРЬ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

Зафарларимиз сенга, Октябрь!

МАЖБУРИЯТ ҲАМ БАЖАРИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг октябрь Чақириқларидан руҳланган бош кийимлар фабрикасининг коллективи октябрь ойида зарбдорларча меҳнат қилиб, яхши ютуқларга эришди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш йиллик план топшириқларини 10 декабргача бажаришга аҳд қилган коллектив октябрь ойи топшириқларини муддатидан илгари —28 октябрда бажарди. Савдо ташкилотларига пландаги 380 минг сўмлик ўрнига 385 минг сўмлик турли хил бош кийимлар чиқарилди.

Имкониятларни ҳисоблаб чиққан тикувчилар ой охиригача планга қўшимча яна 20 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш мажбуриятини олишди. Бу—фабрика коллективининг байрамга меҳнат туҳфасидир.

Бугун

оширилган мажбурият ҳам шараф билан бажарилди,— дейди фабрика план бўлимининг бошлиғи П. С. Свердлов. Ишлаб чиқариш илғорларидан 15 киши беш йиллик шахсий топшириқларини бажарди. 1970 йил ҳисобига маҳсулот топшираётган 20 илғор уларнинг издоши бўлянти.

Д. Шаховский, С. Камолова, В. Егорова шулар жумласидандир.

Байрам шарафига

Улуғ Октябрнинг 52 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида турган «Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмасининг коллектиси маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ўн ойлик планини муддатидан илгари — 23 октябрда бажарганлиги ҳақида галаба рапорти берди.

Уз имкониятларини ҳисоблаб чиққан илғор коллектив ой охиригача планга қўшимча 450 минг сўмлик тўқимачилик-галантерея буюмлари беришга аҳд қилди.

Бугун

ИҚТИСОДЧИЛАР БЕРГАН МАЪЛУМОТГА КЎРА, ФИРМАНИНГ ЙИЛ БОШИДАН БУЁН ЕТКАЗИБ БЕРГАН БУЮМЛАРИ 14 МИЛЛИОН СЎМЛИК БЎЛДИ. Шу давр мобайнида буюмларнинг етти хил янги моделн ўзлаштирилди. Янги технология усулида ярим жун кўйлаклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА ЎЗБЕКИСТОН КУНЛАРИ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛДИ

УЛАН-БАТОР, 28 октябрь (ТАСС мухбири). Бугун давлат опера ва балет театрида Монголия Халқ Республикасида Ўзбекистон кунларини тантанали очиш маросими бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари М. М. Мусахонов бошчилигидаги Ўзбекистон ССР ҳукумат делегацияси, Монголия Халқ—Революцион партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Цеденбал, Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ хурали Президиумининг раиси Ж. Самбу ҳамда Монголия Халқ Республикасининг бошқа раҳбар партия ва давлат арбоблари, Совет Иттифоқининг Монголия Халқ Республикасидаги элчиси С. Н. Шчетинин президиумга чиқишлари билан театр залида тўпланганлар уларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олишди.

Ўзбекистон ССР Маданият министри В. Ю. Зоҳидов, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари А. Ғоипова, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маданият бўлими мудири, нинг ўринбосари Н. Ғ. Ғоипов, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятлари Президиумининг раиси Ҳ. С. Шукурова делегациянинг бошқа аъзолари, Ўзбекистон маданияти, адабиёти ва санъати арбоблари улар билан бирга президиумга чиқадилар.

Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Совети раисининг ўринбосари Д. Майдар серқуёш Ўзбекистон валилларини Монголия меҳнаткашлари номидан самимий табриклади.

Ўзбекистон ССР ҳукумат делегациясининг бошлиғи М. М. Мусахонов жавоб нутқи сўзлаб, Ўзбекистон меҳнаткашлари номидан монгол халқига қардошлик саломи ва энг яхши истаклар изҳор қилди.

Монголиялик дўстлар бизни чинакам қардошларча шодуҳуррамлик билан самимий кутиб олаётганликларини кўриб бениҳоя қувондик, деди у. Республикамиз кунлари В. И. Ленининг 100 йиллигига бағишланади, зеро Совет Ўзбекистонининг ташкил топиши, халқ ҳокимияти йилларида республикамизда қилинган жуда катта ишлар улуғ Ленин номи билан боғланган. Халқларимизнинг тобора ривожланиб ва мустаҳкамланиб бораётган дўстлиги В. И. Ленин ишлаб чиққан, меҳнаткашларнинг асрий орзуларини ва ҳаётий манфаатларини ифодаловчи миллий сиёсат билан боғланган.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукуматининг тинмай қилаётган ғамхўрлиги туфайли, қардош халқларнинг доимий ёрдами билан бизнинг республикамиз экономика ва маданият соҳасида жуда катта муваффақиятларга эришди. Бизларнинг манфаатларимиз ва мақсадларимиз битта— у ҳам бўлса— социализм ва коммунизм қуришдир, деди пировардида ўртоқ Мусахонов. Ленининг улуғ таълимотига асосланган, биргаликда тўккан қонимиз билан мустаҳкамланган дўстлигимиз —тош-метиндек мақкам.

Дўстлик ва қардошликнинг тантанали кечаси Ўзбекистон ССР санъат усталарининг катта байрам концерти билан тугади.



БУГУН КУЙБИШЕВ РАЙОНИДА

Район истиқболи

Районимиз шаҳардаги саноати тараққий этган, қурилишлари юксалаётган районлардан бири. «Марказ-1 ва 2» «Шимолий-Шарқ-1 ва 2» ҳамда «Черданцев-1 ва 2» кейинги икки-уч йилда бунёд этилган турар-жой массивлари район қиёфасини гўзаллашиб бораётганлигидан далолат бериб турибди.

Кўплаб турар-жой биноларини қуриш, кўчаларни янада гўзаллаштириш, икки томонида йўлкалар барпо этиш, уларга асфальт ётқизиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Ҳозир ҳам районимизнинг кўпчилик жойларида зилзила талафот етказган иморатлар бузиб ташланиб, уларнинг ўрнига замонавий турар-жой, маъмурий ва янги саноат корхоналари учун бинолар қурилиши давом этмоқда.

Районимизнинг келажаги тўғрисида тўхталмай иложимиз йўқ. Шу кунларда Пушкин кўчасининг Дархонарик бекатидан Пушкин майдонигача бўлган қисми кенгайтирилляпти. Салор анҳорида қурилаётган кўприк фойдаланишга топширилади. Янги йилдан бошлаб Луначарское кўчасини кенгайтириш, «Светлана» магазини рўпарасида ер ости йўлини қуриш ишлари бошлаб юборилади.

Шу кунларда тез суръатлар билан ободонлашиб бораётган «Шимолий-Шарқ» массивида аҳолининг маиший хизматга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида кўп қаватли биноларнинг биринчи қаватидан махсус маиший хизмат хоналари ажратилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, районимиз истиқболи янада порлоқ. У тез суръатлар билан ободонлашиб бораверади.

И. МОРДУХАЕВ,
Меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитетининг масъул секретари.

ФЕСТИВАЛГА ТАЙЁРГАРЛИК

Ҳаваскорлик коллективлари ҳозирги вақтда Бутуниттифоқ фестивалига пухта ҳозирлик кўришяпти. Яқинда райондаги ҳаваскорлик тўгаракларининг тайёргарлиги тўғрисида концерт программасининг кўрик конкурси ўтказилди.

Конкурс жюриси «Ташкенткабель» маданият саройи, трактор-созлик заводи, «Коммунальник» клублари, Куйбишев номли маданият уйи коллективларининг фестивалга пухта тайёргарлик кўрганликларини алоҳида қайд қилишди.



СУРАТДА: шаҳримиз марказида бунёд этилган ўрта мактаб ва 9-қаватли уй-жой биноларининг қурилиш акс эттирилган.
И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

Подстанциялар учун

Луначарское посёлкасидаги республика электро - механика устахонаси электростанцияларнинг подстанцияларига асбоб-анжомлар етиштириб бераётган ягона корхонадир. Корхона учкварталдан буён сурункасига республика энергетика ва электрлаштириш министрлигининг кўчма Қизил байроғини қўлда сақлаб келяпти.

Яқинда коллектив аъзолари никита трансформатор шкафлари ҳамда 3,5 минг сўмлик бошқа маҳсулотларни Бухоро областига жўнатди.

ДОҲИЙГА БАҒИШЛАБ

Райондаги кутубхоналарда доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан тайёргарлик ишлари ҳар томонлама қизитиб юборилган. Барча кутубхоналарда ҳар ҳафтада бир марта ленинча ўқишлар мунтазам равишда ўтказилиб турилибди. С. Есенин ва Л. Толстой номли кутубхоналарнинг коллективлари «ВЛКСМ 30 йиллиги», «Москва» кинотеатрлари коллективлари билан ҳамкорликда «Совет кинофильмларида В. И. Ленин образи» деган мавзуда конференциялар ўтказдилар.

Бугун

Тельман номли маданият ва истироҳат боғи коллективи ҳамда Гагарин номли болалар кутубхонасининг аҳил коллективи «ВЛКСМ 30 йиллиги» кинотеатрда ўқувчилар учун «Санъат ишқибозлари клуби»ни ташкил этишди. Клубда дастлабки машғулотлар бошланди.

ҲАЁТ КЎРКИ—ГУЛ!

Районимизни боғ-роғларга айлантирамиз! Район меҳнаткашларининг эзгу шиори шундай. Ҳозирги кунда йўлкаларнинг ва кўчаларнинг четларига 30 минг дона мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш мўлжалланмоқда.

Кўп йиллик ҳар хил гулларни ўтказиш қизғин давом этмоқда. Шу кунга қадар ўтказилган ана шундай гуллар етмиш минг туплан ошиб кетди.



Санда Ҳайдарова "Ўртоқ" кондитер фабрикасида бир неча йилдан буён меҳнат қилиб келяпти. У конфет цехининг батон тайёрлаш линиясида ишлаб, кундалик нормасини 130 процентга етказиб бажаряпти.
СУРАТДА: С. Ҳайдарова.

ГАЗЕТАЛАРДА

⊙ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН, ЧЕХОСЛОВАКИЯНИНГ ҚУЙИДАГИ ЎРТОҚЛАРДАН ИБОРАТ ПАРТИЯ-ДАВЛАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ 1969 ЙИЛ 20 ОКТЯБРДАН 28 ОКТЯБРГАЧА РАСМИЙ ДЎСТОНА ВИЗИТ БИЛАН СОВЕТ ИТТИФОҚИДА БЎЛДИ: Чехослова Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Густав Гусак (делегация бошлиғи); ЧКП Марказий Комитети Президиуми аъзоси, Чехословакия Социалистик Республикасининг президенти Людвиг Свобода, ЧКП Марказий Комитети Президиуми аъзоси, Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукумати раиси Олдржих Черник ва Чехословакиянинг бошқа партия ҳамда давлат арбоблари. Чехословакиялик ўртоқлар Волгоград ва Киев шаҳарларига бордилар, бир қанча саноат корхоналарида, колхозларда, илмий ва маданий оқартув муассасаларида бўлдилар. БУ ҲАҚДА ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА ҚЎШМА БАЁНОТ БОСИЛГАН.

⊙ Узбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати бошқармасига қарашли корхоналарнинг ишчи, инженер-техник ходимлари доимий равишда ўз ишлаб чиқаришларида ташаббускорлик кўрсатиб, В. И. Ленин туғилган кунининг шонли 100 йиллигини муносиб кутиб олиш ва беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш юзасидан авж олдирилган социалистик мусобақага қўшилиб, 28 октябрь ўн ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғини бажардилар.

⊙ Пешқадамлик ни ёқдан бермаётган қашқадарёлик азаматлар мавсум бошидан буён давлатга 94,41 процент миқдорида «оқ олтин» топшириб, ҳамон олдинда бормоқдалар. Улар бир кунда 2,09 процент миқдорида пахта топширдилар. Республикамиз бўйича бир кунда 1,34. мавсум бошидан буён 59,32 процент миқдорида «оқ олтин» топширилди.

ШОНЛИ САНАГА АРМУҒОН

Куйбишев районининг неча минглаб ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида шахсий социалистик мажбуриятлар олишган.

Тошкентлик беш Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг беш йиллик шахсий топшириқларини 1970 йил 22 апрелга бажариш тўғрисидаги даъвати улар қалбидан жой олган.

Район корхоналарида зарбдорларча меҳнат қилаётган 900 дан зиёд ишчи ҳозир беш йиллик маррани босиб ўтди. Икки мингдан ортиқ ишлаб чиқариш илғорлари 1970 юбилей йили ҳисобига меҳнат қиляпти.

Район саноат корхоналарининг коллективлари ўзлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирган янги маҳсулотларни, жумладан «Э-304-В» экскаватори, «Тошкент» трактори, кўрак чувиш машинаси, 8 хил кабель, 20 хилдан ортиқ лак-бўёқлар ва бошқа хил саноат маҳсулотларини шонли санага армуғон, деб айтмоқдалар.

САЙЛОВЧИЛАР НАКАЗИГА БИНОАН

Йўлнинг текис бўлса, кўнглинг равшан бўлади, дейишади доно халқимиз. Шунинг учун ҳам райондаги кўчаларни, йўл ва йўлкаларни асфальтлаш иши муҳим вазифалардан бири деб қаралади. Сўнгги вақтларда сайловчиларнинг наказларига биноан 18 кўчага асфальт ётқизилди. Амбулаторная, Миришкор, Ново-Российская, Короленко, Римский - Корсаков номли ва бошқа кўчалар шулар жумласидан. Ҳозиргача олти минг квадрат метрга яқин йўлка сифатли асфальт қилинди.

● КОРХОНАЛАР БИР МЕЪЁРДА ИШЛАСИН

МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТАЙЛИК

Саноат корхоналарининг 1969 йил октябрь ойи икки ўн кунлиги иши якунларига доир

Саноат корхоналарининг 1969 йил октябрь ойи икки ўн кунлиги иши якунларига доир.

Кунлар ўтган сайин, биз икки улуғ айёмга— Улуғ Октябрнинг 52 йиллиги ҳамда Ильич туғилган кунининг 100 йиллигига тобора яқинлашиб бормоқдамиз.

Ана шу улуғ айёмларни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишни дилларига жо қилган шаҳримиз саноат корхоналарининг коллективлари ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбурият олган эдилар. 1969 йил учун қабул қилинган бу мажбуриятларни шараф билан бажариш учун курашаётган кўпгина ишчилар ўз сўзларининг устидан чиқмоқдалар. Буни 10 ойлик план топшириқларининг муддатидан илгари адо этилганлиги ҳақидаги меҳнат рапортларидан ҳам билса бўлади.

Тажриба - механика, «Главстройиндустрия»нинг ремонт-механика, «Узбеккинодеталь» заводларининг коллективлари беш йиллик тўртинчи йили топшириқлари бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар.

Пластмасса буюмлари, экскаватор ремонти, 2-автомобиль ремонти, газаппаратлари, химия-фармацевтика заводларида, «Қизил тонг», «Учқун», «Юлдуз», «Шарқ» фирмаларида, 1 ва 2-пойафзал, пилла-кашлик фабрикаларида, 1,2,4-ун комбинатларида ва шаҳримиздаги бошқа саноат корхоналарида иш кўнгилдагидек кетяпти. Ана шу заводлар нинг коллективлари 10 ойлик топшириқни муддатидан илгари бажардилар. Улар шу кунларда ноябрь ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

Лекин, шу билан бир қаторда ҳамма саноат корхоналарида ҳам иш кўнгилдагидек кетаётгани йўқ. Буни шу ойнинг икки ўн кунлигида амалга оширилган ишлар якунидан кўриш мумкин.

Киров районидаги «Узбексельмаш», «Компрессор», 3-пиво заводида ҳамон иш бир меъёрда ташкил этилмаган. Маҳсулотлар эса ўз вақтида эгаларига юборилмайди.

Худди шундай аҳволни Октябрь районидаги қатор саноат корхоналари мисолида ҳам кўриш мумкин. Трактор-йиғув, хўжалик буюмлари, керамика, дурадгорлик буюмлари заводларида иш меъёрида ташкил этилмаган. Шу туфайли ойнинг охирида бу корхоналарда ҳайбаракалачилик авжига чиқади.

«Главташкентстрой», қурилиш саноати материаллари бошқармасига қарашли, қатор корхоналар ҳам маҳсулотни реализация қилиш топшириғи бажарилишини таъминламадилар. 3,5,8-темир-бетон буюмлари заводи, ишлаб чиқариш корхонаси комбинати, «Жилстрой»нинг қурилиш материаллари комбинати, 3 ва 6-қурилиш трестлари шулар жумласидандир.

Амалга ошириладиган ишлар коллективларни социалистик мажбуриятни бажаришга янада тўлароқ сафарбар этиш, ишлаб чиқариш резервларидан оқилона фойдаланиш, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишни тақозо этмоқда.

Бу нарса КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларида ҳам таъкидланади. Бунда: «Ишчилар, инженерлар ва техниклар! Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини бутун чоралар билан оширингиз! Ишлаб чиқариш фондларидан яхшироқ фойдаланиш учун, лойиҳадаги ўсувчиларни ўзлаштириш муддатларини қисқартириш учун курашингиз!» — дейилади.

Улуғ Октябрь байрамини меҳнатда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритиш билан кутиб олиш ва беш йиллик тўртинчи йили давлат топшириқларини муваффақиятли бажариш — шаҳримиздаги ишчи қоллективларининг шарафли бурчидир.

● *Теннис бўйича мамлакат биринчилиги*

ДАЪВОГАРЛАР КАМАЙМОҚДА

Чемпионат финишга яқинлашган сайин учрашувлар кескин, мурosасиз ўтмоқда. Ҳозир аёллар ўртасида ҳам, эркаклар ўртасида ҳам 1969 йил чемпиони унвонига даъвогарлик қилаётган энг кучли тўрттадан спортчи қолди.

Ярим финал учрашувларидан икkитаси томошабинларнинг эътиборини ўзига жалб қилди. Грузин спортчиси Метревели ва москвалик Волков ўртасидаги кураш тўрт партиядан сўнг ҳал бўлди. Биринчи сетни Метревели 6:4 ҳисоби билан ютган бўлса, иккинчисида худди шундай ҳисоб билан Волковнинг қўли баланд келди. Аммо Метревелининг тажрибаси устунлик қилди. Умумий ҳисоб 3:1 унинг фойдасига ҳал бўлди.

Икки ветеран Лихачев ва Сивохин учрашуви ҳам тўрт партиядан иборат бўлди. Ярим финалга Европа чемпиони Лихачев чиқди. Ҳисоб— 3:6, 6:2, 6:1, 6:4.

Чорак финал учрашувларининг қолган натижалари билан танишинг: Егоров (Москва) —Какулия (Грузия)—6:2, 6:2, 6:4. Пальман (Ленинград) — Коротков (Москва) —7:5, 6:2, 6:4.

Тошкентдаги мусобақалар ленинградлик Пальманга қулиб боқмоқда. У биринчи марта чемпионатнинг ярим финалида ўйнайди.

Энди финалга чиқиш учун Метревели Егоров билан, Пальман Лихачев билан учрашади.

Аёллар ярим финали қатнашчилари ҳам аниқланди. Киви (Эстония) москвалик Исланова билан, Морозова (Москва) ҳамшаҳари Бакшеева билан ўйнайдилар.

Якка учрашувларда пешқадамлик қилаётган теннисчилар жуфт учрашувларда ҳам бўш келмаяптилар. Жуфт учрашувларнинг чорак финалида иштирок этувчилар ҳам маълум бўлди.

Финалнинг 1/4 ида қуйидаги ғолиблар қатнашади.

Лихачев, Волков — Ланге, Лапимаа —6:1, 6:4.
Юшка, Плиенс,—Наумов, Бабаедов—4:6, 6:4, 6:0.
Лунин, Морозов—Чоба, Наэль — 6:3, 6:0.
Пальман, Какулия—Лазарев, Позняков—6:1, 6:1.
Ламп, Симсон—Кюрелян, Сатурян—4:6, 6:3, 6:0.
Сепп, Эвниг — Гаврилов, Филев — 6:3, 8:6.
Мозер, Сивохин — Акcанов, Казакевич— 6:1. 3:6, 10:8.
Егоров, Коротков — Перегудов, Абашкин — 6:2, 6:3.

СОЦИАЛИЗМГА ЎТИШ ДАВРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

В. И. Ленинниинг «Пролетариат диктатурасида экономика ва сиёсат» асарининг 50 йиллиги

В. И. Ленин ўзининг «Пролетариат диктатураси даврида экономика ва сиёсат» деган мақоласини 1919 йилнинг октябрида Совет ҳокимиятининг икки йиллиги муносабати билан ёзди. В. И. Ленининг ҳажм жиҳатидан у қадар катта бўлмаган бу мақоласида пролетариат диктатураси ва унинг тарихан зарурлиги тўғрисидаги марксистик таълимот, пролетариат диктатураси даврида синфлар ва синфий курашнинг ўзига хос хусусиятлари, мамлакатнинг экономикаси ва сиёсатининг хусусиятлари чуқур, илмий таҳлил қилинган.

В. И. Ленин ўзининг мақоласида капитализмдан социализмга ўтиш даврида ҳар иккала социал-иқтисодий укладнинг белгилари ва хусусиятлари мавжуд бўлиб, ҳали тамомила йўқ қилиб ташланмаган капитализм билан тугилиб келаётган коммунизм ўртасида кураш даври бўлишлигини кўрсатди.

Бу даврда ижтимоий хўжаликнинг асосий формалари асосан уч укладдан: чуночи, социалистик уклад, капиталистик уклад ва майда товар хўжалигидан иборатдир. Шу укладларга мувофиқ келадиган муайян синфлар, хукмрон синф бўлган пролетариат ҳамда буржуазия ва улар ўртасида иккиланувчи майда буржуазия (аввало деҳқонлар) мавжуд бўлишлигини уқтирган эди Ленин. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, Ленин айтганидек ўтиш даврида синфлар сақланиб қолар экан, синфий кураш йўқ бўлиб кетмайди, балки бу кураш ўз формаларини ўзгартиради холос.

Ишчилар синфи сиёсий ҳокимияти қўлга олгач, давлат аппаратидан фойдаланиб синфий курашни бошқа шаклда, воситаларда давом эттиранеради.

В. И. Ленин пролетариат диктатурасининг моҳиятини тушунтирар экан, унинг ўтиш даврининг ҳокимияти эканлигини, ишчилар синфининг ҳукмрон синф сифатида буржуазиянинг қаршилигини бостириш, ниҳоят антагонистик синфларни тугатиш учун ундан зўрлик ишлатиш сифатида фойдаланиши мутлоқ зарурлигини кўрсатди. Шунинг билан бирга пролетариат диктатурасининг энг муҳим томони, у ишчилар синфининг меҳнаткаш деҳқонлар билан иттифоқи эканлигини тушунтириб берди.

Энг муҳими шуки, «Пролетариат диктатурасининг моҳияти фақат зўрлик қилишда эмас ва асосан зўрликдан иборат ҳам эмас, деб таълим берган эди Ленин. Унинг асосий мақсади-социализм қурмоқ, жамиятнинг синфларга бўлинишини йўқ қилмоқ, кишининг кишини ҳар қандай эксплуатация қилишига имкон берадиган замининн йўқотмоқдир». (В. И. Ленин. Асарлар, 29 том, 402 бет).

Ленин бу билан марксизмнинг асосий масаласи бўлган, пролетариат диктатурасини инкор этган, ўтмиш даврида синфий курашнинг мавжудлигини инкор қилган, шунингдек, пролетариат диктатурасининг моҳиятини бузиб, уни фақат зўрликдан иборат деб марксистларга даъво қилувчи турли ревизионистларни, II интернационалдаги барча оппортунистларни фош қилиб ташлади.

В. И. Ленин, пролетариат диктатураси буржуазияга нисбатан зўрлик, диктатура бўлса меҳнаткашлар оммаси учун чинакам демократик эканлигини ҳам тушунтириб берди. Ленин пролетариат ҳокимиятни ўз қўлига олгандан кейин деҳқонларнинг иккиланишларини батамом бартараф қилиши, деҳқонларни ўз томонига огдириб олиши, ишчилар синфи деҳқонларнинг иккиёқламалик табиатини ҳисобга олиши лозимлигини айтди.

Улуғ Ленин кўрсатмаларига амал қилиб ленинчи коммунистик партия раҳбарлигида совет ҳокимияти йилларида мамлакатимизда туб социал-иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилди. Мамлакатимизда биринчи социализм тўла ва узил-кесил ғалаба қозонди. Антагонистик синфлар тугатилди. Натижада бир-бирига дўст бўлган ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар синфи ва янги социалистик интеллигенциядан иборат совет халқининг социал-сиёсий ва ғоявий бирлиги таъминланди. КПССнинг янги программасида айтилганидек, социалистик демократия ва совет давлатчилиги тобора ривожланиб, пролетариат диктатурасининг давлати ўзининг тарихий вазифасини бажариб бўлди ва ўз тараққиётида янги босқичга ўтди. Умумхалқ давлатига ўсиб чиқди. Умумхалқ давлати—социалистик демократиянинг янада юқорироқ ифодаси бўлиб, коммунизм қурилишининг асосий вазифаларини амалга оширишдек функцияни ўз зиммасига олади.

Коммунизм қуриш даврида ҳам ишчилар синфининг етакчилик роли сақланиб қолади. Буни социалистик саноатнинг бутун халқ хўжалигида етакчи роль ўйнашлиги қонуний эканлигида кўрамиз. Бутун мамлакатда бўлгани сингари республикамиз моддий ишлаб чиқариш структурасида ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш устун даражада ривожлантирилиб, бу соҳадаги маҳсулот бутун ижтимоий маҳсулот ҳажмининг 75 процентини ташкил қилади. Ени совет ҳокимиятининг 50 йиллиги юбилей йилнинг биринчи ярмида республика саноати ишчиларн 9945 трактор, 3037 трактор сеялкаси, 8372 трактор культиватори, 3628 пахта териш машинаси, 1405 та тўкилган пахтани теруачи машина, 1205 кўрак чувиш машинаси, 730 та универсал юк ортувчи машина, 6072 дизель ва бошқа машиналарни деҳқонларга совға қилди. Республикада пахтачиликни ривожлантиришда, айниқса машинасозлик саноатининг етакчилик роли бинобарин ишчилар синфининг колхозчи деҳқонлар билан бузилмас иттифоқи, бу иттифоқда ишчиларнинг етакчилик роли тобора якқол номоён бўлмоқда.

Айниқса республиканинг энг йирик саноат маркази—пойтахтимиз саноати тез суръатлар билан ривожланмоқда. Ўтган йили шаҳримиз саноати маҳсулотининг ҳажми 1965 йилдагига нисбатан 26 процент кўпайди. Планга қўшимча 33 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 1968 йил охирига келганда шаҳарда деярлик 100 га яқин корхона планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси бўйича ишлашга ўтди.

Ленинча юбилей вахтасида фидокорона меҳнат қилаётган «Ташсельмаш» заводининг аҳил коллективи эса бу йил социалистик қишлоққа 10.600 та ажойиб «заигори кема»ларни етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Шаҳар саноат корхоналарининг партия ташкилотлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ишга раҳбарликни яхши уюштириб, техника тараққиётининг энг муҳим омили бўлган меҳнатни илмий ташкил этишда анчагина муваффақиятларга эришмоқдалар.

Фақат шу йилнинг биринчи ярмида шаҳар корхоналарида НОТ нинг 384 плани ишлаб чиқилди, буларни ишлаб чиқаришга жорий этиш билан 5,6 миллион сўмлик фойда олиш мумкин.

Мамлакатимизда социализм қурилишининг бутун тарихи, шунингдек, социализм системаси мамлакатлардаги социалистик тажрибалар В. И. Ленин ишлаб чиққан назарий қоидаларни тўғри ва илмий эканлигини, ўтиш даврининг экономикаси ва сиёсатига оид умумий қонуниятларга амал қилиш зарур эканлигини исботлади.

М. КАМОЛОВ.
тарих фанлари кандидати.



СУРАТДА: 1-пойафзал фабрикасининг илғор пойафзалчиларидан (чапдан ўнгга) Т. Никульшина, А. Лобанов ва Н. Егорушкина ўртоқлар янги маҳсулотларни кўздан кечирмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

● *1970 йил 11 апрель–Коммунистик шанбалик*

Имкониятлардан фойдаланиб

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган «Қизил тонг» тикувчилик фирмасининг Тошкент ва бутун республика меҳнаткашларига мурожаати шу кунларда халқ хўжалиги кўпчилик тармоқларининг ишлаб чиқарувчилари томонидан қизғин кутиб олинмоқда ва кенг муҳокама қилинмоқда.

Завод ва фабрикалар, қурилиш ва транспорт, алоқа ходимларининг коллективлари 1970 йил 11 апрель куни анъана бўлиб қолган Коммунистик шанбаликка чиқиш юзасидан ўз имкониятларини белгилаб олмоқдалар.

«Шарқ» мебель фирмаси 3-филиалининг коллективи ҳам «Қизил тонг»чилар чақириғига биринчилар қатори лаббай, деб жавоб берди.

3-филиал мебелчилари 9 ойлик план топшириқларини муддатидан илгари адо этиб, давлатга 35,5 минг сўмлик қўшимча буюм сотди. Меҳнат унумдорлиги қарийб икки процент ортди.

Шу давр ичида фақат «7030-4» артикулли буфетлардан планга қўшимча 112 та ишлаб чиқарилди.

Филиал коллективи 1970 йил 11 апрелда тежалган хом ашё ва материаллардан мебеллар ишлаб чиқаришга қарор қилди. Шу кунги меҳнат ҳақи беш йиллик фондига топширилади.

Бунинг учун мебелчиларда имконият бор. Ҳозир филиал ишчиларидан 22 киши беш йиллик шахсий топшириқларини адо этиб, 1971 йил ҳисобига маҳсулот топширмоқда. Беш йиллик шахсий топшириқларини 1970 йил 22 апрелгача бажаришга аҳд қилганлар сони 50 кишидан ортикдир.

П. ИЛЬИНЕЦ —«Шарқ» мебель фирмаси 3-филиалининг бошлиғи, **Б. МИРЗАЖОНОВ** — партия ташкилотининг секретари, **Д. РАҲИМБОЕВ** — цех комитетининг раиси, **Ё. ЮНУСОВ, Е. ШУМИК, Х. СИДИҚЖОНОВ** — ишлаб чиқариш илғорлари.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

●*СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА*

«ЛЕНИН» ОРАТОРИЯСИ

Улан-Батор. Монгол композиторлари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига ва мамлакатда халқ революциясининг 50 йиллигига фаол тайёргарлик кўрмоқдалар. Шонли саналар нишонланадиган кунлар да Г. Дарамзагданинг «Ленин» ораторийси, Э. Чойдогнинг «Бизнинг янги ҳаётимиз» симфонияси, Г. Чэрэндоржнинг миллий асбоблар оркестри учун «Бизнинг революция» поэмаси, «Буюк ғалаба байрами» увертюраси ва бошқа йирик музика асарлари биринчи марта ижро этилади.

Мамлакатда буюк саналарга бағишланган энг яхши музика асарлари учун конкурс эълон қилинган.

Г. ХАРЧЕНКО.
АПН махсус мухбири.

ТАЛЛИН–БРАТИСЛАВА

Прага. Шу йил 16 ноябрдан 30 ноябргача Словакияда Эстония маданияти кунлари ўтади. Братиславада «Эстония ва денгиз» деган жуда қизиқ кўргазма очилади. Кўргазма томошабинларни Болтиқ денгизи соҳилида яшов чи халқ ҳаёти билан таништиради. Қатор стендларда амалий санъат ва графика асарлари намойиш қилинади. Шаҳар концерт залларида Таллин хор коллективи ва эстрада оркестри концерт беради. Кино мухлислари эстон кинематографчи л а р и яратган бадиий, ҳужжатли ва илмий оммабоп фильмларни томоша қиладилар.

Келаси йилнинг баҳорида эса Эстония ССРда Чехословакия маданияти кунлари ўтади.

(АПН — Прагопресс).

«ЗАНГОРИ ҚИЛИЧЛАР»

Берлин. Бир бири билан кесишган зангори қиличлар — бундан 250 йил илгари ташкил этилган машҳур Мейсен чинни мануфактураси ишлаб чиқараётган буюмларнинг эмблемаси. Халқ ҳокимияти йилларида корхона бирмунча кенгайди. Ҳозир бу ерда мингдан ортиқ киши ишлайди. Анъана бўйича мутахассислар корхона цехларининг ўзида тайёрланар эди. Ҳозир эса завод мактаби фаол ишлаб турибди.

Майсен мануфактурасининг маҳсулотлари — сервизлар, ҳайкалчалар, вазалар жаҳоннинг 40 дан ортиқ мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Махсус ишланган чинидан медицина аппаратлари ишлаб чиқаришда, электр саноатида, химия ва реактив техникада ҳам фойдаланилмоқда.

(АПН—ГДР панорамаси).

ПАЛЬМА ЎРНИГА БЕТОН

Гавана. Яқин вақтларгача Кубанинг асосий қурилиш материали ҳисобланган пальма ёғочи ўрнини бугун замонавий индустрия ишлаб чиқараётган буюмлар батамом сиқиб чиқармоқда. Ҳозир мамлакатда 200 минг кубометр йиғма темир-бетон ишлаб чиқарилмоқда. Бу — 1958 йилгига нисбатан 10 баравар ва 1962 йилдагига нисбатан беш баравар кўп демакдир.

Мамлакатда 68 корхона темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқаришга мослаштирилган. Яқинда яна тўрт завод қурилиши бошлаб юборилди. Айрим мавжуд корхоналар қайтадан жиҳозланмоқда.


(АПН мухбири).

ЕР ОСТИ ОМБОРЛАРИ

Пхеньян. Халқ ҳокимияти йилларида республика тоғ бойитиш саноати маҳсулотларининг ҳажми деярлик 20 баравар ошди. Шу вақт ичида юзлаб кон ва шахталар қурилди, реконструкция қилинди.

Ҳозир дала экспедициялари натижаларини текшираётган геологик экспедицияларда ва лабораторияларда 4,5 мингга яқин олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар, шулар жумласидан совет мутахассислари ҳам банд. Улар олиб бораётган меҳнатнинг натижалари қуйидаги рақамлардан яққол кўриниб турибди: вольфрам запаси 9 марта, олтин запаси 15 марта ва мис рудасининг запаси 35 марта кўпайди. Ҳозир республиканинг геологик хаританида қимматли руда ва минералларнинг 200 га яқин янги манбалари қайд қилинган.

В. ПАРАФЕЕВ,
АПН махсус мухбири).



Прагада республикадаги энг йирик кўприк қурилаяпти. Унинг асосини 40 метрли темир-бетон таянчлар ташкил қилади. Кўприкнинг узунлиги 485 метр бўлади. У. Нусель водийси орқали ўтиб, шаҳарни автомобиль йўли билан бирлаштиради. Нусель кўприги 1970 йилда фойдаланишга топширилади.

СУРАТДА: Нусель кўприги қурилиши.

ЧТК-ТАСС фотоси.

ОКЕАН ОРТИДАН ИНСПЕКТОР

Вашингтон. (ТАСС). АҚШ денгиз министри Ж. Чефи 28 октябрда 10 кунлик сафар билан Европага жўнаб кетди. Сафар давомида у Европа қитъасидаги Америка ҳарбий-денгиз базаларида бўлади, АҚШ 6-флотининг ҳаракатларини текширади. АП мухбирининг хабар қилишича, Чефи Англия, Шотландия, Исландия, Италия, Испания, Мальта оролида ва Ғарбий Берлинда бўлишни мўлжалламоқда.

Америка министрининг миясига 6-флотни «текшириш» ҳақидаги фикр Яқин Шарқдаги вазиятнинг кескинлашиши билан тўғри келиб қолгани, кўпчиликни ажаблантирмоқда.

Ливандаги аҳвол

Байрут. (ТАСС). Мамлакатдаги вазият бир оз юмшаганлиги кўрина бошлаган бўлса ҳам, аммо кескинлик ҳали ҳам давом этмоқда. Байрут нисбатан осойишта бўлиб турибди, шаҳар кўчаларида, қўшинлар камайиб қолди. Мамлакатнинг катталик жиҳатидан иккинчи ўринда турган Триполи шаҳридаги аҳвол ҳануз кескин бўлиб турибди.

Сиёсий партиялар билан диний жамоаларнинг раҳбарлари фаластин партизанлари билан ливан армияси ўртасидаги можарони бартараф қилиш йўлларини топиш мақсадида бир-бирларн билан алоқани давом эттирмоқдалар. Коча христианлар жамоасининг раҳбарлари билан мусулмонлар жамоасининг раҳбарлари учрашди. Бу учрашувдан сўнг эълон қилинган қўшма ахборотда, ҳар иккала жамоа ўртасида «мамлакатнинг миллий суверенитети ва партизанлар фаолияти қонунийлиги хусусида ҳеч қандай зиддият йўқ» дейилади. Турли диний жамоаларнинг тангликни бартараф қилишга қаратилган ҳаракатларини бирлаштиришни енгиллаштирувчи қўшма комитет тузилганлиги эълон қилинди.

Қоҳира. (ТАСС). Ливандаги воқеаларнинг боришини Бирлашган Араб Республикасида зўр эътибор берибва ташвишланиб кузатмоқдалар. «Ал-аҳром» газетасида босилган хабарда айтилишича, президент Носир Ливан президенти Хелу ва Сурия давлатининг бошлиғи Атасн билан алоқа қилишни давом эттирди. Президент Носир ўзининг иккинчи мактубига Шарль Хелудан жавоб олди.

Фаластин ташкилотларининг вакиллари билан Ливан қуролли кучларининг вакиллари учрашувини Қоҳирада ўтказиш тўғрисида битимга келинганлиги газеталарда хабар қилинди.

Дамашқ. (ТАСС). Бу ерда Сурия Араб Республикасининг давлат бошлиғи ва бош министри Нуриддин Атасн ҳамда Сурия мудофаа министри Ҳофиз Асад Бирлашган Араб Республикаси президентининг шахсий вакили Ҳасан Сабри ал-Ҳолий ва фаластинликларнинг «Миллий озодлик» ташкилоти ижроия комитети раиси Ясир Арафот билан учрашди. Бу учрашувда Ливия араб республикасининг делегацияси ҳам ҳозир бўлди. Учрашув қатнашчилари фаластин партизанларининг фаолиятини қувватлагангликларини билдирдилар, Ливандаги тангликни бартараф қилишга қаратилган чора ва тадбирларни давом эттиражакларини айтдилар.

Париж. (ТАСС). Франс пресс агентлигининг мухбири Хайфадан хабар беради: Исроил бош министри Голда Меир ўзининг охирги сайлов олди нутқида яқин шарқдаги кескинлашиб турган вазиятни тағин ҳам мушкуллаштиришга уринди. Голда Меирнинг айтишича қараганда «Ливандаги воқеалар партизанлар араб мамлакатларининг ўзига тахдид солаётганлигини кўрсатаётган» эмиш. Чет эл обзорчилари Голда Меирнинг бу гапига Сионист империалистик кучлар араб мамлакатлари билан фаластин қаршилик ҳаракати ўртасида жанжал чиқаришга интилаётганлигини кўрсатувчи янги далил, деб баҳо бермоқдалар.

Мустақиллик... фонди

Яқинда Вашингтонда Халқаро валюта фонди (МВФ)нинг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. У ўзига хос юбилей сессияси бўлди — фонд ўзининг 25 йиллигини нишонлади. Лекин сессия ташкилотчилари маросимни тантанали қилиб ўтказадиган кайфиятда эмас эдилар. Халқаро матбуот таъкидлаганидек, сессия тузатиб бўлмас, жуда оғир касалликка дучор бўлган Ғарб молия системасининг тақдирига ишончсизлик ва ташвишланиш руҳи билан ўтди. МВФ аъзолари бўлган 20 дан ортиқ Лотин Америкаси мамлакати учун сессия оғир иқтисодий аҳволни фонд ёрдамида ўнглаб олиш ҳақидаги умидлари пучга чиқиши билан тугади.

Сессия арафасида Ғарб матбуотида фонд доирасида иқтисодий кам ривожланган мамлакатларга ёрдам кўрсатиш тақлифи кенг муҳокама қилинди. Лекин иш фақат шу билангина тугади. «Камбағал» мамлакатларга ёрдам кўрсатишнинг янги йўллари ҳақида жуда кўп гапирилади, —деб ёзди «Вашингтон пост» газетаси. — Лекин амалда эса ҳеч бир иш қилинмайди.

Лотин Америкаси прогрессив жамоатчилиги капиталистик дунёнинг тез-тез юз бераётган валюта силкинишларидан ташвишга тушяпти. Бу тушунарли, чунки қитъадаги Ғарбнинг молиявий муносабатларига тортилган давлатлар бу силкинишларнинг зарбасини ҳаммадан аввал бошдан кечираяпти. Расман МВФга Халқаро ҳисоб-китобнинг «валюта стабилизатори» роли берилган. Лекин аслида эса у Лотин Америкаси мамлакатларининг иқтисодий ва социал тараққиёти йўлида ғов бўлиб турган тўсиқлардандир. Фонд қитъадаги қатор мамлакатларга «стабилизация программаси» деб аталмиш программани қабул қилдирган. Буни АҚШ монополияси манфаатлари йўлида мамлакатларнинг ички ишларига қўпол равишда аралашишдан бошқа нарса дейиш мумкин эмас. Бунинг ҳеч бир таажжубланадиган жойи ҳам йўқ. МВФ Вашингтон назорати остида бўлиб, фонддаги умумий овознинг 22 процентн унга қарашлидир. Айни вақтда эса Лотин Америкаси мамлакатлари овозларнинг атиги 9 процентига эга. Халқаро валюта фондини фақат шартли равишда халқаро деб аташ мумкин — аслида эса у Уолл-стрит қўлидаги қуролдир.

Лотин Америкасидаги мамлакатлар мунтазам иқтисодий ва молиявий қийинчиликларга учраб, ташқаридан, хусусан Халқаро валюта фондидан қарз сўрашга мажбур бўлмоқдалар. Лекин ўз экономикаси тақдирини МВФ билан боғлаган биронта мамлакат фонд, валюта ва молиявий проблемаларни ҳал қилишга ёрдам берди, деб айтолмайди. Аксинча, бу ташкилотнинг фаолияти мустақил иқтисодий ривожланишга қарама-қаршидир.

Масалан, валюта ва иқтисодий стабилизация программасини амалга ошириш учун кредит олган Аргентина ўзининг иқтисодий ва молиявий қийинчиликларини ҳал этиш у ёқда турсин, аксинча, Америка монополияларига илгаригидан ҳам кучлироқ қарам бўлиб қолди. Мамлакатда чакана ва кўтара савдо нархлари бир неча баравар ошди, мамлакатнинг ташқи қарзлари 1,5 миллиард доллардан 4 миллиард долларга ўсди, миллий валюта бир неча марта қадрсизланди, 7 миллион гектардан ортиқ нефтли ерлар чет эл компанияларига, асосан АҚШга берилди.

МВФга Бразилия ҳам катта умид билан қараганди. Бироқ, «стабилизация программаси» натижасида мамлакат молиявий жиҳатдан мушкул аҳволда қолди. Пулнинг қадрсизланиши крузейронинг харид қуввати пасайишига сабаб бўлди. Бразилияда пулнинг харид қуввати пасайиши охирги марта шу йилнинг 3 октябрида бўлди, ўтган 13 ой мобайнида эса бундай аҳвол ўн марта юз берди. Қоғоз пул миқдори тобора ўсиб боряпти. 1964 йилдан 1968 йилгача бўлган муддатда Бразилияда кейинги 75 йил мобайнида чиқарилгандан кўп қоғоз пул чиқарилди. Аҳвол шу даражага бордики, ҳукумат жуда катта миқдорда қоғоз пул ишлаб чиқариш учун монета саройи қуриш ҳақида Ғарбий Германия фирмаси билан махсус шартнома тузди.

Булар ҳаммаси Бразилия меҳнаткашларининг моддий аҳволини ёмонлашувига олиб келди. Энг оз иш ҳақи 52 доллардан 39 долларга тушиб қолди, қимматчилик эса фақат шу йилнинг биринчи ярмида 9 процентга ўсди.

Уругвай экономикаси ҳам бевосита МВФ назорати остидадир. Мана қарийб икки йилдан ортиқ вақтдан бери фонд ҳукуматнинг экономика ва социал сиёсатини белгилаб беряпти. Бу кризисга ва иқтисодий турғунликка олиб келди. Ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетганлиги, пулнинг қадрсизланганлиги, меҳнаткашларнинг аҳволини ёмонлаштирди. Мамлакатнинг ташқи қарзлари кўпайиб, 500 миллион долларга етди. МВФ Уругвайни песонинг харид қувватини камайтиришга мажбур қилди.

1967 йилда Колумбия қарз сўраганда, МВФ ҳукумат олдига қатор қабиҳ шартларни қўйди. Ҳукумат қарз олиш учун парламент орқали «чет эл капиталларини рағбатлантириш ҳақида қонун» жорий қилишга мажбур бўлди. Натижада Шимолий Американинг Колумбиядаги нефть ва кон компаниялари қатор янги имтиёзлар олдилар, миллий даромад эса йилига 115 миллион долларга камайиб боряпти. Натижада қонун қабул қилинганидан бери йўқотилган валюта олинган қарз миқдоридан ошиб кетди.

Худди шундай аҳвол фонд «ёрдами»дан фойдаланаётган бошқа Лотин Америкаси мамлакатларида ҳам юз бераяпти. «Стабилизация программаси» ва Лотин Америкасига берилаётган қарзлар биринчи навбатда АҚШ манфаатларига хизмат қилади. Булар Шимолий Америка монополиясига Лотин Америкаси мамлакатларидаги табиий бойликлардан истаганча фойдаланиш имконини беради. Лотин Америкаси мамлакатлари учун эса МВФ «ёрдами» уларнинг экономика ва социал тараққиёт йўлидаги ҳамма интилишларини йўққа чиқаради.

П. ГОНЧАРОВ,
АПН.



- ДОҲИЙ ВАСИЯТЛАРИ АМАЛДА
- ҲАРБИЙ КОМИССАР НАКАЗИ
- ЖАСОРАТГА ТЎЛА У КУНЛАР
- ПЎЛАТ КАБИ ТОБЛАНИШЯПТИ

В. И. ЛЕНИННИНГ ҲАРБИЙ ВАСИЯТЛАРИ

ДУШМАНГА ҚАРШИ КУРАШДА ЭНГ ЮҚОРИ ДАРАЖАГА ЕТКАЗИЛГАН ҲАРБИЙ ИНТИЗОМ ВА ҲАРБИЙ ҲУ ШЕРЛИК ЗАРУР.

* * *

ТАШАББУСКОР, ОНГЛИ СОЛДАТ ВА МАТРОС БЎЛМАСА ҲОЗИРГИ ЗАМОН УРУШИДА МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНИБ БЎЛМАЙДИ.

* * *

Қизил Армия тўғрисидаги ҳамма қонунларни, ҳамма буйруқларни қўрқиб-чўчиб эмас, балки виждон билан ижро қилиш керак.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИДА

БУГУНГИ кунда буюк Ватанимизнинг барча меҳнаткашлари шонли сана— Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг юз йиллигини муносиб кутиб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Ишчилар, колхозчилар, зиёлилар оширилган социалистик мажбуриятлар олиб, меҳнат қилишмоқда.

Шахримизнинг барча меҳнаткашлари қатори районимиз ҳарбий комиссариати ходимлари ҳам янгидан-янги ютуқларни қўлга киритишмоқда. Бизнинг вазифамиз Совет Қуролли Кучларига саводхон, жисмоний бақувват қисқа вақт ичида замонавий ҳарбий техникани мукаммал ўрганиб олишга қодир бўлган йигитларни етказиб беришдир.

Умумий ҳарбий мажбурий хизмат ҳақидаги янги қонунга биноан Армия ва Флотда хизмат қилиш муддати бир йилга қисқартирилди. Шунга қарамай, ўқув программаси ўзгаргани йўқ. Демак, ёш солдат ўз ишини мукаммал ўрганиб олиши учун қаттиқ ҳаракат қилиши керак. Шунинг учун ҳам ёш йигитлар ҳарбий хизмат ҳақидаги дастлабки билимларни ҳали Армияга чақирилмасиданоқ ўрганиб олишлари лозим.

Бу жуда муҳим масала. Биз ҳарбий комиссариат ходимлари бу вазифани муваффақиятли бажаришга ҳаракат қилмоқдамиз. Шуниси қувончлики, корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари, район комсомол ва касаба союз ташкилотлари бу ишда катта масъулият ҳис қилган ҳолда кўмаклашмоқдалар.

Айрим мисолларни айтиш мумкин. Фрунзе районининг кўпгина завод ва муассасаларида, ўрта ва олий ўқув юртларида ўқув пунктлари ташкил этилган. Бу пунктларда ёш йигитлар Армия ва Флот сафида хизмат қилганида керак бўладиган малакага эга бўлади.

ЛЕНИН орденли Тўқимачилик машинасозлиги заводида бу соҳада диққатга сазовор ишлар қилинмоқда. Истеъфодаги полковник, собиқ фронтовик Т. Каладжан заводдаги ёш йигитларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялабгина қолмай, уларга у ёки бу қуролнинг ўзида хос хусусиятларини ўргатмоқда. Коммунист фронтдаги жасорат ҳақида, барча жангчилар қатори Тошкентдан борган фронтовикларнинг кураши ҳақида ёшларга ўз хотираларини гапириб беради. Бугунги кунда халкимизнинг фахри бўлиб қолган генерал Собир Раҳимов, душманнинг қанчадан-қанча самолётини уриб туширган тошкентлик учувчи майор Абдусаттор Эшонқулов, сапёр, лейтенант Самиг Абдуллаев тўғрисида қизиқ-қизиқ ҳикоялар гапириб беради. Узбек халқининг бу содиқ фарзандлари она-Ватанниг олий мукофати Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлганлар.

Истеъфодаги полковник бу қаҳрамонлар ҳали уруш бошланмасиданоқ, меҳнат фронтида тарбияланганлигини алоҳида таъкидлайди.

Ветеранниг бундай самимий суҳбатлари ёшларга таъсир қилади. Улар ҳарбий ўқув пунктларида программани муваффақиятли бажармоқдалар. Буларнинг барчаси «Ватан қимоясига тайёрмиз» значогига норма топширдилар. Уларнинг кўпчилиги машина ҳайдаш, радио алоқаси воситаларидан фойдаланишни аллақачон ўрганиб олишган.

Райондаги кўпгина корхоналарда бундай йигитлар кўп. Масалан 1-пойафзал фабрикасининг ишчиси Валижон Нурматов волейбол бўйича разрядга эга. Неъмат Тўйчиев эса гидрогеология разведкасида ишлаб, яхши спортчи бўлиб етишди. 39-қурилиш бошқармасининг слесари Қурбон Дурдиқулов яхши енгил атлетикачигина бўлиб қолмай, милтиқдан отишни ҳам аъло даражада билади.

ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинатида чақирилувчиларнинг ҳарбий тайёргарлиги яхши олиб борилмоқда. Истеъфодаги офицер ўртоқ Самойлов бу ишга самарали ҳисса қўшяпти.

Шундай қилиб ҳали ҳарбий хизматга чақирилмасдан туриб жанговар ва сиёсий тайёргарликдан ўтган йигитлар муваффақиятли хизмат қиладилар. Улар ўз бўлинмаларининг илғорларига айланадилар. Биз ҳам худди шунинг учун ҳаракат қилмоқдамиз.

Сунгги йилларда чақирилувчиларнинг билим даражаси юксак бўлаётгани кишини, айниқса қувонтиради. Кўпчилик йигитлар камида ўрта мактабни битирган. Кўпларни эса олий ёки ўрта ўқув юртларида ўқишади. Ушбу юбилей йилида йигитлар ҳарбий техникани ўрганишга айниқса ихлос билан киришмоқдалар. Чақирилувчилар ҳарбий комиссариатга келганларида кўпинча ўзларини сув ости флотига ёки ракета қисмларига юборишни илтимос қиладилар.

Мен ким билан гаплашмай, йигитларнинг Ватан хизматига тайёр эканликларини кўраман. Улар халқаро аҳволни чуқур тушунадилар. Ватан ҳимоясига ҳамиша тайёр турганликларини айтадилар. Балки шунинг учун ҳам кўп йигитлар чегарачиликни орзу қилаётган бўлсалар керак.

Совет Иттифоқи ҳарбий кучлари сафига районимиздан бораётган жангчилар билан фахрланса арзийди.

Полковник В. М. КРУЖКОВ, Фрунзе район ҳарбий комиссари.



Совет жангчилари ҳамиша сергак ва ҳушёр. Айниқса, Амударё соҳилларида чегара полосасида чегарачиларимиз тун-кун ҳушёр туришади.

СУРАТДА: чегарачилар навбатдаги машғулот пайтида.

В. Лейзеровнч фотоси. (ЎзТАГ).

БОБИР

Деҳли бозорлари сершовқин, гавжум,
Расталар оралаб юрар Бобир шоҳ.
Ҳукмдор қайгадир кўз тикиб бир зум, —
Жилмайди ногоҳ.

Ҳинду мулозимнинг қалбида тўлқин,
Бобирга энгашар шодон ва бетинч.
—Шоҳим, қувончингиз чексиздир бу кун
Кўзларда севинч?!

Шаҳаншоҳ қўзида севинч ва алам...
Растадан кимгадир боқаркан зимдан,
Аста дер: — Анови яктакли одам,
Менинг юртимдан..

КУЗ

Тўкилмоқда сўнгги япроқлар...
Йўлкаларда шитирлар хазон.
Ҳувиллаган ялангоч боғлар,
Бу кун кузднр ўлкамда меҳмон.

Тўкилмоқда сўнгги япроқлар...
Дарахтлар ҳам кўринар хомуш,
Заъфарондир яқин-йироқлар,
Хиёбон ҳам кимсасиз бўм-бўш.
Бу кун борлиқ ўхшаб карахтга,
Нимагадир кўринади нам!
Хазонларни кўргач, дарахтга,
Яна қат-қат тушмоқда ажин...

Раҳимжон АҲМЕДОВ.

Лавҳа

ҚЎРҚУВ ВА ШИЖОАТ

ҲАР қандай кишида ҳам ҳам шижоаткорлик мавжуд. Инсонки юраги уриб тураркан, у қанчалик ботир, қанчалик иродали бўлса ҳам хавф-хатар олдида, масъулиятли ишга қўл уриш онида бир лаҳзалик қўрқув бўлиши табиий. Бу ҳолат ҳар бир кишида ҳар хил бўлади. Шунинг учун ҳам барча бирдек қаҳрамон, қўрқмас ёки қўрқоқ бўлавермайди...

Ушбу лавҳада бир жангчи ҳақида ҳикоя қиламиз. У улуғ Ватан урушида дастлаб биринчи ўқ «қаеримга тегаркин» деб қўрқувга тушади. Кейинчалик «васваса» ўрнини шижоаткорлик эгаллаб, душман билан мардларча жанг қилиб, қаҳрамонлик кўрсатган.

УЧ ТИЙИНЛИК УҚ

Паровоз пишқириб олдинга интиляпти. Бу эшелонда икки минггача йигит фронтга кетяпти. Улар қаерда тушишларини, қайси шаҳарга боришларини билишмайди. Еттинчи вагонда эса нуқул ўзбек йигитлари. Улар давра қуришиб, ашула айтишгани - айтишган. Мана, ниҳоят Самижон деган йигит қўлидаги рубобини қопчиги устига қўйиб, кўзи ёшланиб уйда қолган қайлиғини (уйланганига бир ҳафта бўлган эди) таърифлашга ўтди. Вагон бурчагида ўтирган Мўйдин ака балки ҳозир «Ойумума, Ойумума» деб талпинадиган саккиз ойлик қизчаси билан ҳовлида ёлғиз қолган хотинини ўйлаётгандир. Маҳмуд ака ҳам хаёл қанотида. У ўзича ўйларди: «Уруш. Уруш қанақа бўларкин? Душман ўқ отади. Мен ҳам ўқ отаман. Тўхта, биринчи ўқ менинг қаеримга тегаркин-а?! Оёгимгами? Йўқ! Юриш, югуришим керак. Қўлимгами? Йўқ! Бу қўл билан душманни бўғизлашим керак. Кўзимгами? Йўқ, ҳали ёш-ман яшашим, яхши-ёмонни кўришим керак». Вагон силкиниб Маҳмуднинг пешонаси тахтага тегди. Хаёл билан бўлиб мудраб кетибди. Огриқ Маҳмудни сергаклантирди. Ўрнидан туриб вагон деразасидан ташқарига қаради.

Маҳмуд аканинг азойи-бадани қизиб, ғазаби қайнаб кетди. Кетмон дастаси кўтараверинб пишган қўлларининг панжаларини тараш ёзиб, сўнг муштумини маҳкам қисди...

ЙИРТИҚ БАЙРОҚ

Маҳмуд аканинг жанг майдонида иштирок этишининг 117 куни. Душман снарядлари портлаганда тупроқ остида бир неча марта тириклайин қолиб кетди. У асосан Воронеж фронтида жанг қилди. Юзидан, чап елкасидан, оёгидан уч марта ўқ ялаб ўтди. Айниқса, 45 кун мудофаа линиясида турганлари ҳали-ҳали ёдидан чиқмайди. Қаҳратон қиш совуғи солдатларнинг ўсиб кетган соқол-мўйловига қиров қўндирди. Уст-бошлари кир, озиқ-овқат вақтида келмайди, бир ярим ойдан бери аҳвол шу. 1943 йилнинг қаҳратони. Мана шундай қийинчиликларга дош берган Ватан ҳимоячилари ниҳоят 25 январда ҳужумга ўтди. Маҳмуд ака «ура» деб ўрнидан турганини билади. Ўқ тегди, ҳушидан кетди. Бир маҳал кўзини очиб, кунгабоқарнинг қор остидаги пояларига қалтираб турган полсига тушди. Атроф жимжит. Қуролдошларим олга кетгандир, деб бошини кўтара бошлади. Шу пайт не кўзи билан кўрсинки, 30-35 қадам нарида пистазорда учта немис автоматчиси тўғри унга қараб келяпти. Маҳмуд ака ўзи ётган чуқурликда орқасига тисарилиб яна чўкди. «Мен сенларга ўзбекларнинг «Етиб қолгунча отиб қол» деган мақолининг мағзини «чақиб берай» деб милтиғидан кетма-кет ўқ узди. Учаласини ҳам қор устига чўзилтирди. Кейин эҳтиётқорлик билан мурдаларнинг ёнига бориб фашист белгиси бор байроқни олди. Шу пайт унинг кўз ўнгида Калинин район ҳарбий комиссарининг гапириб турган ҳолатдаги қиёфаси гавдаланди. «Кимда-ким қўрқоқлик қилса ундайлардан уч тийинлик ўқ айлансин». Ўйга қайтсам комиссарга олиб бориб, топширман, деб йиртиқ байроқни халтачасига солиб қўйди. Кейин ўрнидан турмоқчи бўлдию, лекин туролмади. Бу орада ҳарбий санитарлар ёрдамга келишиб қолди. Маҳмуд ака госпиталда беш ой даволанди. Оёгини операция қилишди. Со-гайгач унга янги киийм-бош беришди.

Маҳмуд ака Исҳоқов Улуғ Ватан урушидан 3-группа инвалиди бўлиб қайтди. Уруш ветеранидан яқинда редакциямизга қуйидаги мазмунда хат келди. «Ука, сизга айтган гап-сўзларим нсботли. Мен бу сўзларга ҳужжат орқали жавоб бераман, аммо «йиртилган байроқ», масаласига келсак, уни фақат «Военкомат» орқали госпиталь номеридан текширишлари мумкин». У хатида уруш ҳақида суҳбатлашгани келиб турнинг, ҳозирги иш жойим Тошкентдаги Шредер номли богдорчилик институти дебди.

Б. МАҲМУДОВ.

Совет жангчилари ҳамиша сергак ва ҳушёр. Айниқса, Амударё соҳилларида чегара полосасида чегарачиларимиз тун-кун ҳушёр туришади.

СУРАТДА: чегарачилар навбатдаги машғулот пайтида.

В. Лейзеровнч фотоси. (ЎзТАГ).

- *Солдат мактуби*

АЪЛОЧИ АЛОҚАЧИ

Жанговар-сиёсий машғулотлар аълочиси, юқори классли радиотелеграфчи ефрейтор Юра Синякин тўғрисида сўз кетганда албатта, яхши гапларни эшитиб қувонасан киши... Юра иккинчи йилдирки, Совет Армияси сафида чин юракдан хизмат қилиб, йигитлик бурчини аъло даражада бажариб келмоқда.

Армияга янги келган вақтларида, радиостанцияларда иш олиб боришни эплай олармиканман деган савол Юрага тинчлик бермас эди. Шу сабабли ҳам тинмай ўқиди-ўрганди. Ўз билимини ошира борди. Мана, энди у хизматнинг биринчи йилидаёқ классли телеграфчиликни эгаллади. Енгил атлетикадан II разрядга норма топширди. Меҳнатсеварлиги, камтарлиги билимга, касбига бўлган меҳри билан ҳарбий бўлинмамизда ҳурмат қозонган.

Юра Синякин шу кунларда катта сержант вазифасида хизмат қилмоқда. Ҳа, ефрейтор Юра Синякин ҳар доим бошқаларга ўрнак.

У имтиҳонларни «аъло» баҳоларга топшириб, юқори классли радиотелеграфчи номини олишга, спорт соҳасида ҳам яхши натижаларни қўлга киритишга ҳаракат қилмоқда.

Т. УСМОНОВ, оддий солдат.

- *Сўнмас у кунлар шуҳрати*

Серёжка

Суннат Абдураҳмонов хизмат қилаётган батальон Висла дарёсининг ўнг қирғоғида мудофаа постини эгаллаб турарди. Тонг отарда дарёнинг нариги қирғоғига кечиб ўтиш ҳақида буйруқ олишди. Биринчи галда 1-батальон кечувга қарор қилди.

Батальон фельдшери Суннат Абдураҳмонов (батальонда уни қисқагина қилиб Серёжа деб чақирардилар) қайиқларнинг бирига медицина асбобларини жойлади.

Шу пайт унинг қошига полк медицина хизмати бошлиғи майор Долматов келиб қолди.

— Лейтенант Абдураҳмонов! Плацдарм ҳимоячилари ярадорларига кўрсатиладиган биринчи ёрдам учун сиз жавобгарсиз. Ҳозир сизга яна дори-дармонлар келтириб берадилар. Ҳар бир аскарга қўшимча қилиб алоҳида пакетлардан иккитадан улашинг.

Майор қайиқ-четига ўтирди, чекди ва жиддий қиёфасини ўзгартириб жилмаяркан, деди:

— Эҳтиёт бўл, ҳамшаҳар. Ўзбекистон шарафига доғ тушириб қўймагин тағин!

Полк медицина хизмати бошлиғи майор Долматов ва батальон фельдшери, медицина хизмати лейтенанти Суннат Абдураҳмонов полк ветеранларидан эдилар. Улар 1942 йилнинг январида, Андижонда кавалерия дивизиясн ташкил қилинаётган пайтда танишдилар.

Машғулотлардан кейин дивизия Калинин фронтига юборилди. Сўнгра Воронеж остоналаридаги жанг ... Бу ердаги кўрсатган жасорати учун корпус командири ўз қўли билан Суннатга «Қизил юлдуз» орденини топширди.

Кейин Харьков остоналаридаги жанглар, Днепрнинг олиниши, Украина пойтахти Киевнинг озод қилинишидаги иштироки... Мана энди Сандомирск плацдармида бўлаётган жанглар.

Тонготарда Внслани қуюқ туман қоплаб олди. Кутилмаганда душманнинг олдинги мудофаа қаторларида қуюқ туман бўлса ҳам снаряд портлаганда ҳосил бўладиган аланга шуълалари кўрина бошлади. Бу артиллериямиз иши бўлиб, ҳар эҳтимолга қарши немисларнинг олдинги мудофаа қаторларига ўт очган эди. Батальон артиллерия ўти остида чап қирғоқ томон кечувни бошлади...

Урушдан сўнг Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси ҳузуридаги амбулаторияда фельдшерлик қила бошлади. Мана 25 йилдирки шу ерда ишламоқда.

В. УРИЦКИЙ.

ОБУНА ТУГАЛЛАНДИ

Ҳарбий бўлинмамизда янги 1970 йил учун газета ва журналларга обуна бўлиш эҳр уюшқоқлик билан ўтказилди. Обуна бўлишда айниқса, майор Криленко бошқаларга ўрнак кўрсатди. Жангчиларимиздан оддий солдат Ю. Верешников, А. Хаймович, О. Абдуллаев, П. Воронов, Х. Халилов, кичик сержант Ю. Прокофьев ва бошқалар «Тошкент оқшоми», «Фрунзевец», «Красная Звезда», «Правда», «Комсомольская правда» ва бошқа турли хил газеталарга обуна бўлиб, жангчиларимизга ўрнак бўлдилар.

Т. УСМОНОВ, оддий солдат. Н-қисм.



Солдат ҳақида ҳикоялар

ҲАВАСИМИЗ КЕЛАДИ

сержант Лутфулла Файзиев жонимизга оро кирди. У шикастланган асбобларни писанд қилмай тузата кетди. Секундомерга қарасак, ўн дақиқа безовта бўлибмиз.

— Баракалла, ўртоқ Файзиев, — деб командир унинг қўлларини маҳкам қисди. Техникани ўзингники қилиб олибсан. Ҳар доим ана шундай жанговар бўл!..

Ҳа, командирнинг бундай мақтови ҳар бир кишини руҳлантириб юборади. Аммо Лутфулла оғир-вазмин йигит. У Тошкент алоқа политехникумини битиргач, ҳарбий хизматга жўнади.

Икковимиз суҳбатлашганимизда, у мамнунлик билан Навоий проспекти, янги қурилишлар, умуман севикли шаҳри кун сайин гўзаллашиб бораётгани тўғрисида тўлиб-тошиб гапирди.

Софдил йигит ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлган. Унга ҳавасимиз келади...

Олег ЛЕКВЕИШВИЛИ, старший лейтенант. Н-қисм.



ТАНКЛАР ДЕСАНТДА. АПН фотоси.

СОЛДАТ ЮМОРИ

МАТРОСНИНГ ДЎСТИГА ХАТИ

Мен сув ости кемасида торпедочи эканлигимни ва эртага сафарга чиқишимизни ёзгим келади-ку, аммо на қилай, бу ҳарбий сир-да!

СОЛДАТ ХАЁЛИ

Қани энди старшина севгилисига хат ёзмаган қизларни ҳам Устав бўйича жазоласа...

ҚАЙСИ БИРИ ЯХШИ

Солдатдан кўра, матросга яхши, чунки у окоп қазнмайди-да!

РАПОРТ

Ўртоқ старшина!

Отпуска вақтида бир марта ичиб комендант томонидан беш кун жазоланганимни ҳисобга олинмаса отпускамда айтарли ҳеч қандай воқеа рўй бергани йўқ...

Тўпловчи:

А. ЮНУСОВ.

МАҲОРАТ ОШМОҚДА

ЭНДИГИНА чиққан қуёшнинг нурлари танк зирҳларида яраклаб кўринади. Экипаж аллақачон ўз ўрнини эгаллаган. Бугун бўлажак офицерлар танкдан отишни машқ қиладилар. Улар тажрибали методистлар ўргатган маҳорат бекор кетмаганлигини амалда исботлашлари керак.

Танкдан отиш масъулиятли, муҳим вазифа. Яхши танкчи душманни аниқ мўлжалга олиши ва тор-мор қилиши керак.

Машиналардан бирида отувчилик вазифасини комсомол аъзоси, курсант Алексей Нестеренко бошқаряпти. У буйруқни кутиб, душман чиқиб келиши керак бўлган нуқтадан кўз узмай боряпти. Шу пайт «олға» деган команда янграйди. Жанговар машина бир силкинганча олдинга интилади.

Нестеренко мўлжалдан кўз узмай борарркан, олд томонда турган танкка қаршн отувчи пушкани кўриб қолди. Ҳа, бу «душман» пушкаси. Алексей аниқ ва тез ишлаш кераклигини хаёлидан ўтказди. Негаки, душман ҳам жим турмайди. Сендан олдин масалангни ҳал қилиб қўйиши мумкин.

Шунинг учун ҳам бўлажак офицер шошилинч, аммо аниқлик билан ҳаракат қила бошлади. У мишеннинг марказига прицелни тўғрилади. Яна бир секунддан кейин гумбурлаган садо эшитилди. Снаряд мўлжалга аниқ тегди, деб ўйлади у.

Йигит ўз ғалабасидан қувониб кетди, лекин олдинда яна иккита тўп турар эди. Уларни ҳам йўқ қилиш учун ғоят аниқлик билан ишлаш керак. Курсант энди пулеметни ишга солди. Ҳар иккала тўпга қараб, ота бошлади. У ўқ олови тўппа-тўғри мўлжалга тегаётганини кўриб турарди.

— Отишда комсомол Алексей Нестеренкодан ўрнак олиш керак, — деди офицер курсантларга. — У биринчи снаряд биланоқ мўлжалга бехато урди.

Навбатдаги машққа кетаётган дўстлари ёнига келган Алексей Нестеренко қандай қилиб мўлжални аниқлаш, танкка қай пайтда ўт очиш фойдали эканлигини айтиб, дўстона маслаҳатлар берди.

Дўстлари Алексейни ҳурмат қилишлари бежиз эмас. У ўз бўлинмасидагина эмас, бутун билим юртида ҳам энг яхши отувчилардан бири сифатида танилган. У ўз қуролини аъло даражада билади. Кечаси ҳам, кундузи ҳам ҳар қандай об-ҳаво шароитида жанговар машқларни муваффақиятли бажаради. Бирон бир сабаб билан қурол ишламай қолса, ўзи тузата олади.

Бўлажак офицер мунтазам спорт билан шуғулланаётганлиги унга айниқса ёрдам бермоқда. Нестеренко жисмоний жиҳатдан тобланган йигит. У буюк Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига Тошкент танкчилар олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан тугатиш ниятида.

Унинг барча интилишлари, ҳарбий ва сиёсий етуклиги муваффақиятга эришувидан дарак бермоқда. Алексей ўз билим юртининг жанговар анъаналарини давом эттириши аниқ. Алексей Нестеренконинг яна бир фазилати бор. У яхши рассом, актив жамоатчи. Бу эса дўстлар даврасида унинг обрўсини янада оширади.

Ф. ФЕДОРОВ.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 3 БЕТ.

30 ОКТЯБРЬ, 1969 Й.

Реклама ва эълонлар

Телевизор

30 октябрь

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси. **18.35** Рус тилида телевизион янгиликлар.

Узбек тилида: 18.50 «Пропагандист» тележурнали. **19.15** «Ялла» рақслари. **20.05** Киноленинном, «Советлар раҳбарлигида». **20.45** Пахта терими кундалиги. **20.55** «Ерқин ҳаёт» программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

22.00 Футбол бўйича СССР биринчилиги. «ДИНАМО» (Киев) — «СПАРТАК» (Москва). Киев шаҳридан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида «Аҳолига—граждан мудофааси ҳақида». **23.45** «Вақт» информацион программаси. **00.15** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУСТЛИК ЭКРАНИ

Рус тилида: 18.00 Телевизион янгиликлар. **18.15** Пахта йиғим-терим пайласи. **18.30** Ленинча меҳнат вахтасида. «Таштекстильмаш» заводидан репортаж. **18.45** «Ленинни шарафлаймиз». Ўзбекистон ва Тожикистон композиторларининг учрашуви.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.45 Кўрсатувлар программаси. **19.50** Янгиликлар. **20.00** «Тиесса узра кўприк». СССР ва Венгрия телевизион перекличкаси. **21.00** Комсомол ташкил топган кун муносабати билан. «БИЗ — ЕШ ГВАРДИЯ». Кўп серияли телевизион фильм бешинчи серияснинг премьераси. **21.30** Миллионлар ленинча университети.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 31|X да **Парвона**, 1|XI да **Шоҳ Эдип**.

МЎҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 31|X да **Ажаб савдолар**, 1|XI да **Нурхон**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Совет циркининг 50 йиллигига бағишланган юбилей программалари. Йўлбарс, сиртлонлар аттракциони.**

Кино

30 ОКТЯБРДА

Ҳалокат (1 ва 2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 8-45 минутда), «ЧАЙКА» (кеч 6 ва 9 да).

Угрюм-река (1 ва 2-серия) — «СПУТНИК», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кечқурун), «ВОСТОК» (кеч соат 7 ва 9-45 минутда, кичик залда).

Тундаги портлаш — НАВОИЙ номли (кечқурун).

Комедиантлар (1 ва 2-серия) — «ВОСТОК» (кеч соат 7 ва 9-45 минутда).

31 ОКТЯБРДА

Ҳалокат (1 ва 2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 2-15, 5-30 ва кеч 8-45 минутда), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Угрюм-река (1 ва 2-серия) — «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Тундаги портлаш — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Жамила — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да).

Ёшлик-бебошлик — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Диссертация ёқлайдилар

1969 йил 12 ноябрь кундуз соат 2 да, Тошкент давлат медицина институти педиатрия ва санитария-гигиена факультетларининг илмий совет мажлисида (морфология корпуси, 1-зал) медицина фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Р. М. Боқиева: «Дизентерия касаллигида кобальт микроэлементининг модда алмашинуви» деган темада.

12 ноябрь кундуз соат 2 да, Тошкент давлат медицина институти даволаш ва стоматология факультетларининг илмий совет мажлисида (морфология корпуси, 2-зал) медицина фанлари доктори илмий даражасини олиш учун

А. С. Ромен: «Ўз-ўзини ишонтиришнинг психофизиологик жараёнларига таъсири» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (К. Маркс кўчаси, 103-уй).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

30, 31 октябрда

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Ўзбекистон ССР ҳалқ артисти **Қундуз Миркаримова**; Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: **Олмахон ҲАЙИТОВА, Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Дилором ШЕРОВА;** Ленин комсомоли мукофотининг лауреати **Дилбар ФАЙЗОВА;** солистлар: **Неъматжон ҚУЛАБДУЛЛАЕВ, Алижон ҲАСАНОВ, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Ойхон ЕҚУБОВА, Нина ТЯГНИБИДНАЯ, Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Мансура МЎМИНОВА, Тўхтахон НАЗАРОВА, Карима УЗОҚОВА** ва бошқалар қатнашади.

Программани Бутуниттифоқ театрлар фестивалининг лауреати **Зайтуна ТОЖИБОЕВА** ва **Назрулла ЕҚУБОВ** олиб борадилар.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида эрталаб 11 дан сотилади.

7 НОЯБРЬ БАЙРАМИГА

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»НИНГ МАХСУС МАГАЗИНЛАРИДА КЎП МИҚДОРДА



тикилган буюмлар, турли мода ва фасондаги эрлар костюмлари, ҳар-хил кўйлак ва шимлари, хотин-қизлар пальтолари, костюм-кўйлаклари, блузка ва плашчлари, шунингдек керакли ассортиментда болаларнинг тайёр кийимлари ва бошқа моллари билан савдо қилинмоқда.

Булардан ташқари магазинларда тўқимачилик моллари, замонавий гулли, чиройли рангли, сидирға бўялган ва босма усулида бўялган турли ва миллий газламалар, кузги-қиш мавсуми ассортиментидаги штапел газламалар бор.

МАГАЗИНЛАРИМИЗ АДРЕСИ:

1, 2, 3 — Ш. Руставели кўчаси;
7 — Беруний майдони;
8 — Муқимий кўчаси, 7 «Б» сектор;
10, 13, 20, 49, 50 — Олой бозори;
12 — Навоий кўчаси, 18;
14, 23, 41, 42, 48 — Навоий кўчасидаги саноат моллари ярмаркаси;
15, 64 — Киров кўчаси;
17, 37 — Ўзбекистон кўчаси;
21-«Тоҳир ва «Зуҳра», ва 19-«Газламалар уйи», 18, 2 — Октябрь район колхоз бозори;
27 — Шумилов шаҳарчаси;
24, 25 — Паркент бозори;
30 — ГХФ шаҳарчаси, 1;
32, 33 — Первомай бозори;
36, 47 — Новомосковский кўчаси;
39 — 4-Турар жой шаҳарчаси, Черемушка кўчаси, 22;
44, 45, 46, 74 — Госпиталь бозори;
54, 57 — Луначарский маркази;
55, 56 — «Октябрь» ва «XXII партсъезд» турар жой массивлари;
59, 60, 63, 65, 66 — Қўйлиқ бозори;
69 — Чехов кўчаси.

Харидорларга шу нарсани маълум қиламизки, торгнинг колхоз бозорларида жойлашган магазинларидан ташқари ҳамма магазинлар 4, 5 ва 6 ноябрь байрам олди кунлари эрталаб соат 10 дан кеч 10 гача ишлайди.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Тошкент оқшоми 4 бет. 30 октябрь, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор — 33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар — 33-27-22, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар ҳўжалиги бўлимлари — 33-29-42, адабиёт — санъат ва маданият бўлимлари — 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари — 33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари — 33-27-03, ахборот бўлими — 33-65-57, эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Индекс 64579

НАШР 2890.

Р—04751.